



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 118 (10.171)

2004 ЙИЛ 22 ИЮНЬ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўрасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Уни Президент Ислон Каримов бошқарди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу Фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги bosқичга — юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

Йигилишда Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилаётгани, нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борадаги ўзгаришларни татбиқ этишга ҳалал берадиган, эски тузумдан мерос иллатлардан халос бўлиш йўллари хусусида сўз борди.

Ислон Каримов Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ишини танқидий таҳлил этиб, ушбу тузилма фаолиятининг энг муҳим вазифа ва йўналишлари хусусида атрофича тўхталди.

— Хотин-қизлар кўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир, — деди Юртбошимиз. — Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик куйидан — шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Олий суд раиси Ф.Мухитдинова, ички ишлар вазири З.Алматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадоёбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

ЎЗА

ОФИЦЕРЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

Тошкент олий умумқўшн қўмондонлик билим юртида ёш офицерларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тўрт йиллик ўқув давомида ёш офицерлар назарий билимларга эга бўлди, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш, қўйилган вазифаларни мохирлик билан бажаришга ўрганиш ҳамда ўзида замонавий командир учун керакли хислатларни шакллантирди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари бўлинмалари янги кадрлар билан тўлдирилади. Офицерлик — шарафли касб. Битирувчиларга

«лейтенант» ҳарбий унвони берилди. Уларга тантанали равишда дипломлар ва кўкрак нишонлари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари В.Хужакулов ва билим юрти бошлиғи, генерал-майор К.Бердиев битирувчиларни ўқини тугатгани билан чин юракдан табриқлаб, ишларида муваффақиятлар тилади.



СУРАТДА: шаҳримиздаги Talyana хусусий фирмаси тиқувчиси Дилором Ёқубова ўз маҳорати билан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, корхона маъкеининг ортишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига магистр ва бакалаврият курсларини битирган талабаларнинг битирув кечаси уюштирилди.

● **ШИФОКОРЛАР** малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган тадбир тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида судьялар мустақиллигини кафолатловчи қонун ҳужжатларининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда Фридрих Эберт жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этди.

● **КЕЧА** Акмал Икромов туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғибот ҳамда ташвиқот қилиш ишларини амалга оширишнинг чо-

раларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** олий ўқув юртлири ўқитувчилари иштирокида фан ва таълим интеграцияси ҳамда тарих фанини ўрганишнинг муҳим омилларига бағишланган тадбир уюштирилди.

● **АСАКА** акциядорлик-тижорат банки томонидан лизинг асосида иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар самара бериб мамлакатимизда, хусусан, шаҳримизда янги корхоналар иш бошлаш арафасида турибди.

● **ШАҲРИМИЗДА** тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда диагностика хизматини шакллантиришнинг долзарб муаммоларини бартараф этиш хусусида сўз борди.

● **РЕСПУБЛИКА** иختисослашган кардиология марказига Хитойдан келтирилган замонавий тиббий технологиялар топширилди.

● **ШЕРАТОН** меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбир Жанубий корейлик ишбилармонлар ҳамда Ўзбекистонлик тадбиркорлар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шунингдек, Қуролли Кучлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ёш офицерларнинг ота-оналари ҳам битирувчиларга оқ йўл тилаб, ўзларининг эзгу ниятларини билдирди.

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юрти ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ҳам ёш офицерларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди.

ЎЗА

XVI сағоси

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги «Меҳржон» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Агроистеддод» мактаби очилди. Унда Коракаллогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 13-16 ёшли 38 нафар истеддодли ўқувчи 2 июлга қадар ҳордиқ чиқаради.

● «Ўзстандарт» агентлигининг Штрихли Кодлаш маркази томонидан тезкорликни таъминлаш, сарф-ҳаражатларни қисқартриш мақсадида агентликнинг ҳудудий сертификациялаш марказлари ҳузурида маслаҳат пунктлари ташкил этилди.

● Ўзбекистон халқлари автомобилда юк ташувчи уюшмаси Фаргона, Наманган ва Термиз шаҳарларида ўз ваколатхоналарини очди.

● Бухоро вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи кредит уюшмалари сони яна биттага кўпайди. Низом жамғармаси ўн миллион сўмини ташкил этувчи «Ибн Сино» кредит уюшмаси иш бошлади.

● Тошкентдаги «Ўзқўрғазма-савдо» марказида мактаблар учун маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебель, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ўқув қуроллари кўрғазма-танлови очилди.

Жаҳонда

● Европа Иттифоқининг ўтган ҳафтада Брюсселда якунланган саммити ташкилот тарихида туб бурилиш ысади. Унда Европа Иттифоқининг ягона Конституцияси қабул қилинди.

● Новосибирсклик микробиолог олимлар ОИТС/ВИЧга қарши янги вакцинани ишлаб чиқдилар. Ҳозир у дастлабки текширувлардан ўтказилмоқда.

● Саудия Арабистони полицияси Абдул Азиз ал-Мурқим бошчилигидаги жангарилар тўдасини йўқ қилди.

● Шу йил 1 июлдан бошлаб Молдовадаги барча вазирлик, ташкилот, муассаса, идораларда чекиш тақиқланади.

● Жаҳоннинг турли шаҳарларида ҳаёт кечирishi қийматини тадқиқ этувчи Mercer Human Resource Consulting компанияси Токиони дунёдаги энг қиммат шаҳар дея эътироф этди. Лондон ва Москва кейинги ўринларни банд қилишди.

● «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси 4-17 июнь кунлари Грециянинг Пирея шаҳрида ўтган Жаҳон халқлари фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

Иқтисодиёт

ЛИЗИНГ
ШАРТНОМАСИ
АСОСИДА

«Тошкент трактор заводи» Давлат хиссадорлик жамиятида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилмоқда. Бунда корхонанинг «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси «Трактор» махсус конструкторлик бюроси билан алоқаси қўл келмоқда.

Бундай ҳамкорлик натижасида пахтачилик ва универсал-чоппик тракторларининг 15 га яқин янги моделлари юзага келди. 130-140 от кучига эга бўлган двигателли бу хил агрегатлар импорт ўрнини бемалол боса олади. Улар дала бўйлаб бир ўтишда бир неча агротехник жараёни амалга оширади.

Лизинг шартномалари асосида бу хил янги русумли техникалардан талайгинаси деҳқон хўжаликларига etkazi берилди.

БОЛАЛАР
МАЙДОНЧАСИ
ЯРАТИЛАДИ

Болалар спортини ривожлантириш йўлида «Со-вплатитал» ўзбек-италия қўшма корхонаси ҳам тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Замонавий мўъжаз болалар майдончаси лойиҳаси яратишга киришилганлиги ҳам айни мuddо бўлди.

Ушбу лойиҳа металл ва пластик қурилмалари конструкцияси асосида бунёд этилади. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат хиссадорлик жамияти мутахассислари билан биргаликда бутланадиган майдончаларда кичик ёшдаги болакайлар ҳам шуғулланади.

Янги конструкциядаги бундай «иншоот»лар Мехрибонлик уйлариغا совға қилинади.

ЯНГИ
ЙЎНАЛИШЛАР
ОЧИЛДИ

«Тошшаҳарйўловчитаранс» Давлат уюшмасига қарашли корхона ва сарой жамоалари янги йилни катта режалар билан бошлаган эди. Йилнинг биринчи чораги яқунлари ҳам чакки бўлмади.

Уюшма бошқарувининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ана шу натижалар сарҳисоб қилинди. У уч ой мобайнида шаҳар йўловчи транспорти орқали 164 миллион кишига хизмат кўрсатилди.

Бунёдкорлик жараёнида деярли 250 миллион сўмлик иш бажарилди. Саноат соҳасида эса 158 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Қатор янги йўналишлар очилди.

Йиғилишда аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ қатор таклифлар илгари сурилди.

Акбар АЛИЕВ

ТОШКЕНТ САММИТИ:
ҲАМФИКРЛАР УЧРАШУВИ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши, унинг мазмун-моҳияти ва натижалари турли мамлакатларнинг сиёсий арбоблари, экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Польшанинг «Трибуна» газетаси янги халқаро ташкилотнинг салоҳиятига тўхталар экан, ШХТ ҳақида «Болтиқ денгизидан Тинч океанигача жойлашган мамлакатларни бирлаштирган тузилма», деб хабар қилади. Газета Ўзбекистон пойтахтида Минтақавий аксилтерро тузилмаси (МАТТ) очилишини минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги муҳим тадбирлигини эътироф этиш билан бир қаторда, Тошкент саммити ШХТга аъзо давлатлар иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш учун янги имкониятлар очганлигига ҳам эътибор қаратади.

Жаваҳарлал Неру номли университети Жанубий, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиёни ўрганиш маркази директори, профессор К.Вариқоу ШХТ саммитини «эътиборга молик воқеа», деб атайди. «Саммитни Тошкентда ўтказилиши халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон нуфузли мавқега эгаллигининг тан олинишидир. МАТТ ижроия кўмитасининг очилиши Ҳиндистон учун алоҳида аҳамиятга эга, зеро Осиё мамлакатлари ҳаракатлари бирлаштирилмас экан, бу балога қарши кураш оғир кечади».

Женева хавфсизлик сиёсати маркази экспертларининг фикр билдиришича, МАТТнинг терроризмга қарши турган барча минтақавий воситалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйилиши ШХТ фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Экспертлар, шунингдек, жиноятчи гуруҳлар қўлига оммавий қирғин қуроли ва унинг компонентларини тушиб қолишининг олдини олиш масаласининг долзарблигини алоҳида таъкидлашган. Зеро, бундай ҳолат «мегатерроризм» хавфини юзага келтириши ва уни ўрмалаб

кетишига олиб келиши мумкин.

Германиянинг «Дипломатик курьер» газетаси бош муҳаррири Константин Эрлих ШХТга аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати амалий ва сезиларли натижаларга олиб келишига ишонч билдиради. «Гап аъзо давлатлар сафида Хитой ва Россия каби кудратли мамлакатларнинг борлигидир эмас. Ушбу ташкилотнинг бош устунлиги унинг асосини у ёки бу халқаро муаммога биргаликда ечим топиш ва биринчи галда – терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамжиҳат ҳаракат қилаётган ҳамфикрлар ташкил қилганлигидадир».

«Тошкент форумида Ҳамид Карзай ва у бошқараётган маҳкаманинги оқори мартабали аъзолари, жумладан, ташқи ишлар вазирининг иштирок этиши Афғонистоннинг ШХТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратаётганидан яққол далolatдир», - дейди ушбу мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили Равон Фарходий. «Ҳеч шубҳа йўқки, ШХТ минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарали механизмига айланади».

Исроил муҳаммадининг собиқ вазири, ҳозирда «Миллий бирлик» парламент фракцияси раиси Авиғдор Либерман Тошкент саммитига Афғонистон ўтиш маъмурияти раҳбарини таклиф этиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Зотан, барқарор тараққиёт йўлига қадам қўйган бу мамлакат минтақа ва бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга. «Бутун дунё террорчилари аллақачон халқаро террор иттифоқи бўлиб бирлашган. Бугунги кунда жаҳонда ушбу офатга қарши курашда ўзаро бирлашиш жараёни куза-

тилмоқда ва бу борада қўшни давлатлар билан бир қаторда Россия ва Хитой билан ҳам амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланаётган Ўзбекистоннинг ўрни салмоқлидир», деб таъкидлаган у.

Тожикистон президенти хузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари С.Сафаровнинг фикрича, Минтақавий аксилтерро тузилмаси ижроия кўмитасининг очилиши ШХТ мақсадларини амалга ошириш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлар босқичини бшлаб беради. Тожикистонлик мутахассис ШХТ котибиятининг Пекиндаги ва МАТТнинг Тошкентдаги доимий фаолияти «мазкур ташкилот ўз олдида қўйган барча вазифаларнинг тезкор ва амалий ечимларини топиш» учун катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Кўпчилик журналистлар саммит ишининг мукамал ташкил этилгани билан бир қаторда уни ёритишда иштирок этган журналистлар учун қулай шароитлар яратилганини эътироф этишмоқда.

- ШХТнинг Тошкент саммити нафақат президентлар, балки журналистлар учун ҳам юксак даражада ташкил этилди, - деди анжуман матбуот марказига ташриф буюрган Хитойнинг «Ориент монинг пост» газетаси муҳбири Юнг Ичен. - Биз мамлакатингизнинг иқтисодий соҳасидаги ютуқларининг бевосита шохиди бўлиш, Ўзбекистон пойтахтининг тарихий ва маданий масканлари билан танишиш имкониятидан беҳад мамнунмиз. Ишончим комилки, ушбу саммитдан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланади.

«Жаҳон» АА

Хорижий инвестиция бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан таваккалчиликларнинг кенглиги билан фарқланган ҳолда ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиси юз беради.

Хорижий инвестициялар

РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ ТАЯНЧИ

Хорижий инвестициялар ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлган ҳолда, ўзи муҳим бирга, турли-туман технологик, ахборот, менежмент малакаларини, жаҳон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради. Уларга мамлакатларро ҳаракатланиши, яъни кўчиб юриш, фаолият юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини алмаштириш, қўшимча таваккалчиликлар билан тўқнашиш ва аниқ мақсадлар со бўлади. Шу боисдан хорижий инвестициялар кўчшини миллий инвестиция сиёсатини олиб боришда ва уларни амалга оширишда албатта ҳисобга олишга тўғри келади. Уларни жалб қилиш қабул қилувчи мамлакат бюджетига солиқ, ижара ва бошқа

тушумларни кўпайтиради. Улар янги иш ўринларини ташкил қилишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон бозорларида ўрнашиб олишга ёрдам берилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини яхши маълумки, хорижий инвестицияларни жалб этиш нафақат мавжуд иқтисодий муаммоларни бартараф этишга, балки иқтисодий, бошқарув масалаларини ижобий ҳал этишга, шунингдек, янги техника ва технологиялар кириб келиши ҳисобига ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилишга ҳам қаратилган бўлади.

Шу боисдан республикамиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни янада бойитиш учун хорижий инвестицияларга кенг имкониятлар яратиб бериш, мавжуд иқтисодий сиёсатни изчил давом эттириш орқали ҳали ўз

ечимини қутаётган қатор иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган жараёнларни янада тезлаштириш даркор.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини уزلтсиз жалб этиш ривожланаётган мамлакатлар учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида ўз салоҳиятига эга мамлакатлар тажрибаси ана шундан далolat бериб турибди. Бу тажрибани миллий иқтисодиётимизга кенг қўллаш ва янада жалдлаштириш мамлакат халқ ҳужалиги ўз тараққиётининг ривожланиш босқичига чиқиб олишга таянч бўлиб хизмат қилади.

Ш.ШОЯКУБОВ,

Д.МИРЗАЕВА,

Д.ИСМАТУЛЛАЕВА,

Тошкент молия институти магистрлари

ВЕНАДАН
САМАРҚАНДГА
САЁХАТ

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Австриянинг «Евротурс» компанияси ўртасида қўшма лойиҳа амалга оширилиб, 700 дан ортик сайёх республикамизга ташриф буюрди. Туристтик компаниялар ҳамкорлиги натижасида австрияликлар Ўзбекистоннинг бой маданий мероси намуналари, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз мейморий ёдгорликлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, австриялик сайёхлар саёхат унутилмас онларни ҳада қилганини ва хизмат кўрсатиш даражаси қутилганидан анча оқори бўлганини таъкидлашди. Уларни хафа қилган ягона нарса – бу саёхат муддатининг қисқалигига эди. Лекин меҳмонларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга яна келишни кўнгилларига тугиб қўйишди. Куз ойларида сайёхлар учун Венадан мамлакатимизга яна бир неча чартер рейсларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА

Ушбу сарлавхани бежиз танламадик. Бир вақтлар чет элларга сафар қилган дўстларимиз ўша жойлардаги орасталик, саранжом-сарийшталик, озодаликлар ҳақида соатлаб тўлқинланиб ҳикоя қилишарди. Айниқса гап Голландия ҳақида борганида уни «Гуллар шаҳри» дея таърифлашарди. Дўстларимизнинг сўхбатини тинглай туриб ўйланиб қолардик. Номидостон, бўстонларда битган гулистон бўлган Ўзбекистонимиз, хусусан, Тошкентимизни гуллар шаҳри деб аташга нима монелик қилади деган савол бизни қийнади. Йиллар ўтди. Шу саволнинг ечими йўлидаги уринишларимиз беиз кетмади. Ободонлаштириш ишидаги сая-ҳаракатларимиз самара кўрсатди. Бизда ҳам бирин-кетин гуллар шаҳри пайдо бўла бошлади. Хусусан, дастлаб вилоятларимиз ичра гўзалларнинг гўзали Намангани «Гуллар шаҳри» деб атай бошладик. Бугун эса йил сайин ҳар томонлама обод ва кўркем бўлиб бораётган азим пойтахт Тошкентимизнинг «Гуллар шаҳри» деб атагудек фахрли ва шарафли номга сазовор бўлганини нафақат биз, балки хорижликлар ҳам эътироф этмоқда. Бунга исбот қидириб узоққа бормаё Голландиядан келган меҳмон Йохан Ренсенбринкнинг куйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин.

— Мустақиллик йилларида Тошкент чиндан ҳам янги қиёфа кашф этганини инкор этиб бўлмайди. Шаҳрингизга бундан 15 йил олдин ҳам туристик йўл билан келгандик. Очғи, ўшанда бу кўҳна шаҳар мёнда унчалик кучли таассурот қолдирмаганди. Айниқса ободончилик йўлидаги ишлардан қониқмагандим. Бу сафар Тошкентнинг бугунги гўзал қиёфасини кўриб кўзларимга ишонмай қолдим. Унинг қисқа муддат ичида шу қадар ўзгариб, кўркемлашиб кетгани гўё менга янги либос кийган келинчаки эслатди. Осмонўпар бинолар, маҳобатли кўприклар, кенг ва раво кўчалар, нурафшон йўлларда бир текис ҳаракат қилаётган турнақатор машиналар, кўрган кўзни яшнатувчи боғ ва хиёбонлар кининг ҳам ақлини лол қолдирмайди дейсиз. Энг муҳими, шаҳарнинг яшил либосга буркангани, катта йўлларнинг икки томони ни беизаган кўм-кўк майсалар, анвойи гуллар Тошкентни тудан ўзгартириб юборибди. Бир сўз билан айтганидан бўлсам, у бизнинг Голландия сингари чинакам «Гуллар шаҳрига» айланади.

Ўйлаймики, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳам, шарҳнинг ҳам ҳоҳати йўқ. Шубҳасиз, Истиқлол шарофати ила шаҳримизда қилинаётган ободонлаштириш ишлари, янгиланиш ва яшаришлар ҳар биримизнинг кўнгилларимизни гулгун яшатиб, қалбларимизни тўлқинлантириб турибди. Утган қисқа муддат ичида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган оламшумул ишларни бугун санаб адоғига этиб бўлмайди, албатта. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган сая-ҳаракатларимизнинг ўзи бунинг аққол мисоли бўла олади.

Бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Тошкентнинг бугунги қиёфасига қараб туриб Истиқлолнинг буюк қудратли кучига яна бир бор амин бўласан киши. Ўз эркини кўлга олган, озодлик наҳидасини сураётган халқ нималарга қодир бўла олиши кўз ўнгингизда гавдаланади. Бугун шаҳри азимдаги диққатга сазовор ишларнинг бошида ким турган иғини сиңчков дарҳимиз яхши билади. Тошкентни энг замонавий пойтахт, шаҳарга айлантириш ташаббускори, Бош меъмори Юрбосимиз эканлиги ҳар биримизга кўндек равшан.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида пойтахтнинг яшил дастури ишлаб чиқилди. Бунда умуман шаҳар меъморчилигининг, шунингдек, ҳар бир кўча, майдоннинг ўзига хос хусусияти, пойтахт туманлари аънавалари ва уларнинг жойлашиши эътиборга олинди. Мазкур йўналишда кўчатларни ўтказиш ва парваришларнинг янги усуллари технологиясидан фойдаланила бошланди. Шу туфайли шаҳарнинг асосий қисми янгиланиб, янада чирой очди. Кўкаламзорлаштиришда эрта баҳордан то кеч кузгача доимий гуллаб, очилиб турадиган бута ва гул кўчатлари экилиши, майсазорларнинг кўпайтирилишига алоҳида эътибор берилди. Бугун шаҳарнинг шох кўчалари тагетис, бегония, цинерия, меритима ва бошқа бир йиллик гуллар билан яшнаб турибди. Ўзининг табиий кўркини йўқотган ва касалланган дарахтлар олиб ташланиб, уларнинг ўрнига ҳар йили 50-60 минг тул манзарали ва доимий яшил бўлиб турадиган игнабаргли дарахтлар экилмоқда. Масалан, эман, каштан, ясен, клён, Крим қарағайи, Тянь-Шань арчаси, можевельник каби дарахтлар шулар жумласидандир. Шаҳримизга фойз бериб турган кўп йиллик дарахтлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Миришкор боғ усталари ҳар йили уларга шакл бериб, ёшартириб туришибди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари илмий ёндошилган ҳолда, замонавий қиёфадаги янгича ландшафт меъморчилиги асосида олиб борилаётгани билан ҳам диққатга сазовордир.

Кейинги йилларда маҳаллалар ўртасида «яшил белбоғ» анча кенгайди. Пойтахтнинг даъ олиш зоналарида майсазорлар пайдо бўлди. Бу аънаа узлуксиз давом этмоқда. Лекин мана шундай хайрли ишларнинг қадрига етмаётган баъзи кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда. Уларни нима деб аташни ҳам билмайсан. Бефарқ дейимизми, бефаросат дейимизми? Ишқилиб нима бўлганида ҳам уларнинг ярашмаган қилиқлари юртим, элим деб, уни обод қилиш йўлида фидойилик қилаётган ҳар қандай кишининг гагини келтиради.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеа. Тунов кўни яшил майсазор билан қопланган хиёбонда хордиқ чиқариб ўтирардик. Баногоҳ каттагина майдонни қоплаган кўм-кўк

майсазорнинг ўртасида пайдо бўлган ёлғиз оёқ йўлга кўзимиз тушиб қолди. Ўйланамиз, бир ажиб сўлим шу майсазорни босиб ўтишга ким журъят эта олди экан? Уни эзиб-янчишга қайси инсон зотининг кўзи қийди экан? Шундай ҳаёлларда турсак бир гўзал киз билан кўл ушлаб бораётган йигитча ҳеч бир тап тортмай, атрофдагилардан уялмай-нетмай худди шу ёлғиз оёқ йўлдан юриб кетиши. Майсазорнинг ўртасида тўхтаб қолиши.

Тошкентим — боғу бўстоним ГУЛЛАР ШАҲРИ ГўЗАЛ ПОЙТАХТИМ



Шунда киз атрофга қарай туриб: «Вой мана бу майсазорнинг чиройлигини қаранг», деб қолди. Йигит ҳам шунга яраша жавоб қилди. Шу топда улар оёқлари остидаги гўзалликдан баҳраманд бўлишарди, лекин шу хушманзара жойни ўзлари топтаб турганларини хис этишмасди. Бу ҳам бир бефаросатлик-да.

Чидаб туролмадик. Севишганларни тартибга чақирдик. Улар бир сўз демай, бизга: «Сенинг нима ишини шу. Биров сенинг ножиб қилимишидан ранжиб гапирса ёки урилли танбех берса ундан тегишли хулоса чиқармаймиз, балки ўша одамга «Сенинг нима ишини бор» деб ўширамиз. Энди айтнинг, бордую шу майсазор ўз ўйимизда бўлса уни шундай янчиб ўтишга кўзимиз қиярмиди? Албатта йўқ. Шундай экан, личокни олдин ўзимизга уриб кўрайлик.

Бугун шаҳар айланган киши хоҳ кўча-кўйда, хоҳ хиёбонларда бўлмасин, гул экиб унинг парвариши билан шугулланаётган эркагу аёлларни ҳар қадамда учратади. Бу хайрли иш нафақат Тошкентимиз, бутун республикамиз бўйлаб кенг ёйилиб давом этаётганини қувончи албатта. Маҳаллалар ҳам бу кўнгилли юмшдан четда қолмаётдилар.

Бу гапларни бежиз айтмаётганимиз йўқ. Яқинда На-

манганга қилган сафаримизда бунинг ўзимиз гувоҳи бўлдик. Текис ва раво йўлдан ўқдек учиб бораётган машина ойнасидан қарасангиз оппоқ қор билан қопланган баланд қоялар, яшил ўрмонлар, уларга туташиб кетган арчазорлар, шунга монанд йўл чеккаларида экилган ранг-баранг товусдек товланиб турган гулу-гулзорларни кўрасиз. Йўлда эмас, гўё чаманзорда сайр қилиб юргандек ҳис этасиз ўзингизни. Энди айтнинг, мана шу йўлларни, гулзорларни, гўзал манзарани бундан 10-15 йил олдин тасаввур қилганимизнинг? Ҳатто тушингизга ҳам кирмаган. Бечора Отабеклар қишда қор босиб, ёзда чанг-тўзонга ботиб эгри-бурги сўқмоқ йўллардан Марғилон сари ҳафталаб йўл босганида вақти келиб шу узоқ манзилли машинада ҳаммаси бўлиб уч соатда босиб ўтишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Бу унинг этиб бўлмас орзуси эди холос. Авлод-аждодларимиз умр бўйи қилган бу орзу бизнинг замонамизда Истиқлол туфайли рўёбга чиққанини асло унутмаслигимиз керак. Оллоҳ томонидан бизга ато этилган бу неъмат — Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлидаги сая-ҳаракатларимизнинг боиси ана шунда. «Мустақиллик менга нима берди», деган сўроқдан бугун «Мустақилликка мен нима бердим», деган саволга ўтишимизнинг таг-замини ҳам шу.

Хуллас, ибратга лойиқ ишларимиз кўп. Айниқса, гул экиш, гулзорлар бунёд этишининг янги-янги усуллари ўйлаб топилаётганлиги кишини қувонтиради.

Яқинда шаҳар айланб ободонлаштириш ишларида қилган яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Навоий кўчасининг икки чеккасида тахминан ҳар 100 метр оралиғида экилган анвойи гуллар бир томонлама конус шаклидаги махсус пастак деворча билан тўсиб қўйилди. Бу манзара атрофга гўзаллик бахш этиб туриши билан ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортади. Амир Темури кўчасининг транспорт тўхтайдиган бекатларида эса янада пўзгача кўришни. У ерда махсус гиштлар билан айвонча шаклига келтирилган ўрталик майдончада бир йиллик гуллар яшнаб турибди. Мутахассислардан бу янгиликнинг мохиятини сўраганимизда улар шундай жавоб беришди: «Биринчидан, бу деворлар гулларни кучли шамолдан ҳимоя қилади. Иккинчидан улар кўзга яққол ташланиб туради. Уларни ҳеч ким босиб-янчиб ўтмайди».

Барибир айтишга тўри келади. Баъзида орамизда ҳали-ҳамон номкўрлик қилаётганлар ҳам учраб туради. Бу ўзига хос мавзу албатта. Бу ўринда биз кўпроқ гапни ўзбўларчилик қайфиятида юрганларга қаратмоқчимиз. Сафаримиз давомида биз шундай нохушликларга ҳам дуч келдик. Айниқса, бундай ҳол кўп қаватли уйлар оралиғидаги майдончаларда ва баъзи хонадонларга қарашли кичик «томоркалар»да кўзга ташланади. Одатда кўп қаватли уйларга кўчиб келган оилалар ўртасида дастлаб «томоркачалар» талаш бўлади. Унга эга бўлганлар дарҳол кичик ерни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тарафдўдига тушадилар. Майли-да, гул экишади, дарахт ўстиришади, ҳар ҳолда ундан фойдаланиш пайда бўлишади. Лекин ҳамма ҳам эмас. Баъзилар эса «томоркачани» олишга оладида, кейин ҳафсаласизлик билан уни ўз холига ташлаб қўяди. У ерда ҳеч кимга керак бўлмаган ўт-ўланлар ўсиб ётади. Ҳеч бўлмаса, ён қўшинининг гулзор мевазор — кичик бир бўстонга айлантириб қўйган томоркасидан ҳам ибрат олишмайди. Қизиги шунда, ўзлари фойдаланмаганлари ҳам майликуя, лекин, ўша ерни обод қилишга жазм этган бошқа инсонга ҳам уни раво кўришмайди. Бу нима, хасиллими ёки бахиллиси?

Ўзининг кен ҳовлиси бир неча сўтих келадиган ерига эга бўлган баъзи оила аъзоларининг қилишлари ҳам кишини бир қадар ранжити. Улар кен ҳовлиси туриб, йўловчилар қатновига мўлжалланган йўлқачларни темир панжара билан ўраб олишади. Албатта чиллаки чиллакини кўриб чумак уради. Бугун бир қўшинининг қилишини эртага бошқаси такрорлайди. Шу билан йўлқача банд бўлади-қўяди. Йўловчилар эса юрак ҳовучлаб машина йўлининг чеккасидан юришга мажбур. Бу ҳақда уларга айтадиган бўлсанг яна: «Сенинг мен билан ишин бўлмасин», «Ўзингни бил ўзгани қўй», деган гаплар такрорланади. Аслида гуллаб-яшнаётган шаҳримизга бундай нохуш ҳолат, бундай носамимий гаплар ярашмайди.

Ҳамиша яхшиликнинг ёмонлик устидан гоилиб келишини ҳеч ким инкор этолмайди. Ободонлаштириш ишида кенг қўлоқ ёйган хайрли юмушларининг йўлида учраган барча тўсиқлар денгиздан томчи албатта. Қачон денгизга томчи тенг келибдики, бу сафар тенг келса. Шундай экан, Тошкентимиз гуллар шаҳрига айланб бораётганини бугун баралла айтишга ҳақлимиз. Шу ўринда Президентимизнинг куйидаги сўзларини ёлға олгимиз келди: «Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди, десак ҳар томонлама тўғри бўлади».

Сафаримиз давомида кўплаб турли касб кишилари билан учрашиб, сўхбатлашдик. Уларнинг шаҳримизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бўлган муносабатлари билан қизиқдик. Ҳамма дил сўзларини деярли бир таразда қирибда этди. «Истиқлол йилларида шаҳримиз мисли кўрлмаган даражада ўзгариб кетди. Ҳар қуни бир йилга тенг бўлган обод ва озод юртимизга кўз тегмасин». Олийҳиммат инсонларнинг шу самимий сўзларига биз ҳам бажонидил қўшилдик.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

Қурилиш майдонларида

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТЛАРИ БАЛАНДА


Ҳар бир билим масканининг нуфузи у ерда етишиб чиққан ва халқ ҳўжалигининг қайси жабҳасида бўлмасин ўз салоҳияти билан ажралиб турган етук мутахассислари билан ошиб бораверади. Шу боисдан ҳам Тошкент маданият коллежининг бу борада ўзига хос муваффақиятларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.



Ўзбекистон халқ артистлари Камолитдин Раҳимов, Шермат Ерматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Ибодулло Нидоматов, Баҳрулла Лутфуллаев, сеvimли ва таниқли адибларимиз Машраб Бобоев, Азиз Абдуразақов ана шу кутлуг даргоҳда илк санъат сабоқларини олишган. Утган давр мобайнида ушбу билим масканини 130 миңдан зиёд ўрта махсус маълумотли маданият ва санъат соҳаси ходимлари битиришган ва улар юртимиздаги маданият, маърифат ва санъат ўчоқларида халқимиз маънавиятини юксалтиришда маҳоратларини намоён этишган ва эътишмоқда.

Янги ўқув йилига ҳар томонлама тайёр ҳолга келтирилган 2 та ўқув биносининг биринчисида охириги пардоз ишлари ниҳоясига етмоқда. 84 та хонадан иборат бўлган 4 қаватли ушбу бинода асосан фан кабинетлари, якка тартибда машғулот ўтатилган хоналар, 1-қаватда кутубхона ва маъмурий хоналар ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Мустақиллик йилларида билим масканларига қаратилган эътибор, маданият ва санъат ривожини унунга етказган шарт-шароитдан коллеж жамоаси аҳли ҳам бебаҳра қолгани йўқ. 1937 йилда ташкил топган ушбу сиёсий оқартув маркази (кейинчалик техникумга айланган) 2004 йилда коллеж мактабинини олди. Жорий йилда қаратилган эътибордан энг асосийси шу бўлдики, коллежда педагоглар жамоаси ва талабаларга қулайлик яратиш, малакали мутахассислар тайёрлашга эришиш ниятида бунёдкорлик ишлари, яъни ўқув биноларини тубдан қайта қуриш ва таъмирлашга киришилди.





Барча кўзда тутилган қурилиш-тиклаш, пардозлаш йумушлари бажарилаётган бинода эса 64 та ўқув хоналари қаторида асосий заллар — спорт, хореография-рақс, тароша заллари талабалар даражасида таъмирланяпти. Машғулот ўтишда бир-бирига ҳалақат бермасликни назарда тутган ҳолда айрим хоналарга овоз ютгич мослаmalar ҳам ўрнатилмоқда. Еришти ишларини амалга оширишда эса электрчиларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қурилиш майдонини 100 нафарга яқин бунёдкор меҳнат қилиб, қурилиш-монтаж, гишт териш, дурадгорлик, пардозлаш ишларини бажаришда бош пудратчиларнинг 3 та комплекс бригадалари аъзолари 2 сменада ҳамжиҳатликда ишлашди. Илгорлар ҳақида гап кетганда эса, тажрибали, сидқидилдан ўз касбини эъзозлаётган Камолитдин Муҳиддинов, Жаббор Бобожонов, Руслан Усеинов, Александр Макаровларнинг номларини таъкидлаш арийдир.

— Қурувчиларимизнинг ўзига хос тажрибага эгаллиги тендер савдосида муваффақият қозонишимизга омил бўлди десак ҳато қилмаймиз, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Жонибой Шоиёв ва коллеж директори ўринбосари Набижон Эрматов, бўёқчи Умид Қодиров эшик ва ромларга пардоз бермоқда.

Жорий йилда пойтахтимизда йўлларни бир-бирига туташтирувчи, транспорт воситалари қатнови учун қулайликлар яратиб, тизгиларнинг олдини олувчи кўприклар сони яна биттага кўпаяди. Бу шахримизда босқичма босқич бунёд этилиб фойдаланишга топширилаётган мустаҳкам ва жаҳон андозалари даражасидаги кўприклардан бири бўлади.

Кичик Халқа йўли

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ



Кейинги йилларда йўлсоз ва кўприксоzларимизнинг тажрибаю маҳоратлари юксак чўққига кўтарилмоқда десак асло муволафа бўлмайди. Бунга нафақат пойтахтимизда, балки, мамлакатимизда қурилган раван ва текис йўллар замонавий кўприклар, ер ости йўллари ёрқин мисол бўла олади. «Тошхажарйўл-қурилиштаъмир», «Кўприкқурилиш» трестлари жамоасининг бу борадаги меҳнатларини таъкидлаган ҳолда айни пайтда қурилиш жадвал суръатларда давом этаётган Амир Темур кўчасидаги Эргашев ҳамда Асомов кўчаларини бир-бирига боғловчи кўприк қурилиши ҳақида алоҳида тўхталишимиз жоиздир.

Кўприксоzларнинг кўннинг иссиғини ҳам писанд қилмай, бамайлихотир ўз вазифаларини сидқидилдан бажарилаётгани, техника воситаларининг уларга мададкорлиги, бирин-кетин қурилиш учун зарур материалларни келтираётган юк машиналари хуллас, кизгин бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлар эканмиш, уларнинг ғайрат-шижоатига тэн бердик.

— Ҳозирга келиб кўприк қурилишида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг 70 фоиздан зиёдини адо этишга муваффақ бўлдик, — дейди бизни кўприкнинг бунёдкорлик ишлари, у ерда меҳнат қилаётган кўприксоzлар билан таништирар экан бош ишбози Константин Пеньков. — Қурилишнинг бош пудратчиси бизнинг 13-кўприк қурилиши отряди бўлиб, бунёдкорларимизга Қорақалпоғистондан келган 14-кўприк қурилиш отряди ҳамда 67-кўприк қурилиш отряди ишчи-хизматчилари яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, йўл қурилишида Тошхажарйўл-қурилиштаъмир трести йўлсозлари ҳам ҳаде-

май ўз ишларини бошлаб юборишади. Бугунги кунга келиб 200 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилаётган кўприк қурилишида ишлар 2 сменада ташкил этилган бўлиб, асосан пайвандлаш, устунларни ўрнатиш, бургулаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Узунлиги 270 метр, кенглиги эса 30 метрни ташкил этган ушбу иншоот лойиҳасини «Боштранслоиҳа» акционерлик жамияти мутахассис-

лари тайёрлашган бўлиб, лойиҳанинг бош муҳандиси Геннадий Семёновдир. Шуниси эътиборлики, лойиҳада барча қулайликлар билан бирга, кўприкнинг мустаҳкамлигига, хизмат кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилган. Бош пудратчи — 13-кўприк-қурилиш отряди кўприксоzлари пойтахтимизда бунёд этилаётган Кичик Халқа йўлидаги бир неча кўприкларни тиклашда, шунингдек, республикамиздаги бошқа қурилиш майдонларида ўзига хос ғайрат кўрсатишган. Август ойда кўприк битказилиб, йўлсозларга топширилади. Улар эса барча ишларни Мустақиллик байрамигача тугатишни ният қилишган. Ана шу мақсадда отряднинг комплекс бригадалари ёрдамида пудратчилар кўмағида меҳнат қилмоқда. Айниқса, бирварақайига 2-3 та касбни эгаллаган комплекс бригадалар аъзолари сифатга, муддатга эътиборни қучайтиришган. Бу борада ўз ишининг усталари Ойбек Тўлаганов, Баҳром Хоназаров, Юрий Шадринцев, Николай Рудаков ҳамда қорақалпоғистонлик кўприксоzлар Назар Ёқубов, Мухит Чоҳбитов, Эргаш Сабуровларнинг шижоатлари таҳсинга лойиқ.

Дилноза ҒИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: 14-кўприк қурилиш отряди илгорлари — бригадир Назар Ёдгоров ҳамда монтажчи Мухит Чоҳбитов; кўприксоz Эргаш Сабуров ҳамда яхши кайфиятда ишлайди.

БУНЁДКОР

Пойтахтимиз бозорлари, уларнинг мустақиллик йилларидаги кўрки ва жамоли ҳар қанча таърифга таснифга лойиқ. Ушбу бозорларда сотувчию харидорларга яратилаётган шарт-шароитлар, намунали хизматини ташкил этиш учун имкониятлар нафақат ҳамшаҳарларимизни, балки шахримиз меҳмонларини ҳам мамнун этиши, шубҳасиз. Бундай имкониятларни яратишда бунёдкорлик ишларининг сифатли амалга оширилаётгани, қурувчиларнинг ғайрат-шижоатли меҳнатлари самара берётганини таъкидлаш ўринлидир.



ИШБИЛАРМОНГА ҲАМ, ХАРИДОРГА ҲАМ ҚУЛАЙЛИК

«Эски жўва» деҳқон бозоридидаги ўзгаришлар, қурилиш-тиклаш ва ободончилик ишлари бозор кифасини тубдан ўзгартириб юборди. Утган ойда «Чорсу» буюм бозори ҳудудида 76 та кичик савдо дўкончаларидан иборат кийим-кечак бозорчаси фойдаланишга топширилиб, ушбу қулайликдан ҳам тадбиркорлар, ҳам харидорлар мамнун бўлишган эди.



«Эски жўва» деҳқон бозоридида қурилган яна бир шохобча эса қовун-тарвуз бозорчасидир. 100 ўринга мўлжалланган ушбу бозорчада ҳар бир сотувчининг махсулотлари учун алоҳида панжарали расаталар ўрнатилган. Ушбу бозорчада ҳам бош пудратчи «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси бунёдкорлари «Хамкор-комфорт» хусусий қурилиш фирмасининг бетончи, монтажчи, бўёқчи ва сувоқчилари яқиндан ёрдам беришди.

«Хамкор-комфорт» қурилиш фирмасининг ишбосиси Одамбой Отамуродов етакчилигидаги 30 нафар монтажчи ва пардозловчилар қисқа муддатда барча юмушларни сифатли адо этишга муваффақ бўлишди. Ҳадемай юқоридаги бозорларга харид учун борган харидорлар қулайликлардан фойдаланиб, мамнун бўлиши эса, шубҳасиз.

«Мухлиса қиз» хусусий фирмаси раҳбари (ўртада) Нурилло Йўлдошев, бош муҳандис (ўнгда) Лутфилло Саиддухнов ва участка бошлиғи Набижон Исомов охириги юмушлар қандай бажарилаётганини кўздан кечиришмоқда; янги қурилган миллий кийимлар ва қовун-тарвуз бозорчалари.

Мадбиркорга толе ёр

ЯХШИ НИЯТ ҲАМРОҲИ

Албатта, биронта қурилиш лойиҳаси тайёрланар экан, аввало уни бунёд этишда қандай қурилиш ашёларидан фойдаланиш ҳам эътиборга олинади. Сифатли, рақобатбардор махсулотлар қўлланилса, шубҳасиз, бино кўрки ва таровати ҳам ўзгача бўлади.



Ана шундай сифатли ва чидамли, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани эса бунёдкорларимизга ҳам қулайлик бўлса, нархи бирмунча арзонлиги бююртмачига қўл келади.

Мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўлдан ҳамшаҳримиз Хуршид Раҳимов ҳам оқилона фойдаланиб, ўйлаб юрган режаларини амалга оширишга киришди. У отаси Йўлдош Раҳимов кўмағида қурилиш ишларида асқотадиган шпатлёвка ҳамда фасад бўёқларининг бир неча турларини ишлаб чиқаришга киришди.

Ҳозирда хусусий тадбиркор Хуршид Раҳимовнинг изланишлари асосида маҳаллий хом ашёдан Россия дастгоҳ ва ускуналари ёрдамида ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги қурилиш ашёларига талаб ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари қўламининг ортиб бораётгани билан бирга сифатга, махсулотнинг харидоргир турларини ишлаб чиқаришга қаратилаётган эътибор,

бозорни тинмай ўрганишдадир. — Кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмаларнинг бююртмаларини ўз вақтида бажаришга интиламан, — дейди Хуршид Раҳимов. — Келгусида эса ўйлаб юрган режаларим кўп. Махсулотнинг харидоргирлигини таъминлашда, хориж бозорига экспортни йўлга қўйишда қадоклашнинг аҳамияти жуда каттадир. Шу боисдан ҳам келгуси фаолиятимда ана шу нарсаларга эътибор қаратаман. Интилганга толе ёр, дейишди. Қурилишга қўламининг ортишига муносиб ҳисса қўшаётган хусусий тадбиркор Хуршид Раҳимов ҳам ўз толеини изламоқда. Самарали меҳнатлари эвазига яратиш ниятида.

Дилфуза ҒАНИЕВА

СУРАТДА: тадбиркор Хуршид Раҳимов.

Касбин —

фаҳрим

НУР ТАРАТУВЧИЛАР

Электр қуввати ва нурининг нафақат халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида, балки кундалик турмушимизда ҳам салмоқли ўрни бор. Ана шу қувват ва нур фаоллигини етказиб беришда соҳа ходимлари — энергетик ва электрчиларнинг меҳнатлари муносиб баҳоланади.

«Ўзэлектромонтаж» акционерлик жамияти электрчилари ҳам бунёдкорлик ишларида доимо фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда қад ростлаётган иншоотларни электр қуввати, биноларни нур билан таъминлашда фаолият кўрсатишмоқда. Жамоада меҳнат қилаётган электрчиларнинг сифатли, тез ва соз ишлашлари бююртмачилар сонининг ортишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Электр-монтаж ишлари устаси Илхом Рустамов 20 йилдан буён ушбу жамоада меҳнат қилиб, касбдошлари хурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. У ўз маҳорати ва тажрибаси билан зиммасидаги вазифаларни тўла ва сифатли бажариб бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқда.

Мохина БЕКНАЗАРОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлар...

● Хикмат. Бойлик ўтқинчи нарсадир. Оқил киши ўтқинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

БАЙТ:

Бойлик роҳат бўлса ҳам сенга, Фано губоридан бўлади барбод. Ҳақиқий бойликни кирит кўлингга, Икки кунлик нарса учун бўлма шод.

● Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли ҳулқдир.

● Дўст уч табақа бўлади. Биринчиси, овқат кабидир ва улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси, давога ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дардга ўхшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

БАЙТ:

Толени ёр билар дўстликнинг қадрин, Мухаббат меҳрини уриб жонига.

● Хикмат. Ваҳоб ибн Маб-нанинг айтишича, ҳийладан холи бўлмаган олим ўрийдир. Ақл либосини киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

БАЙТ:

Нодон хато қилса, раводир унга, Айб кўйиб бўлмас, йўлни билмайди. Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар ким, йўлни билиб унга амал қилмайди.

● Бир кун Анушервон мажлис уюштирган ва мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «Товуқ патлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарса нима бўлиши мумкин» деди. Шу онда ҳалиги йигит сарой устида турган эди. Мулозимлар жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат кўзгатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!» деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «Ақлни зое қилмайдиган, касаллик кўзгатмайдиган». Яна сўради: «Гуллардан энг хуш ҳидлиси қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тириклигида хурсанд қиладиган, ўлганда номини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган муносиб фарзанддир!»

● Ҳикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емакдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такдорламаз эди.

КИТЪА:

Бир ҳақимдан эшитдимки, ўликдан, Сўрса ўлмоқ учун сабаб не ҳар чок. Ўндан тўккиз ўлик жавоб беради, Ўлим сабабидир кўп овқат емок.

Дарҳақиқат, инсоният не-не орзу-умидлар билан қдам кўйган XXI асрнинг ибтидоси хайрли кечмади. Ўтган тўрт йилга яқин фурсат ичида жаҳоннинг деярли барча минтақалари терроризм балоси ҳуружларини бошидан ўтказди. Таассуфлар бўлсинки, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг катта қисми моҳияти тинчлик ва эзгулик бўлган ислом дини номидан амалга оширилмоқда.

Май ойининг ўзида Африка қитъасидаги энг йирик мамлакатлардан ҳисобланган Нигерияда ва Индонезияга қарашли Мулюк оролларида ўн минглаб беғуноҳ кишилар ўзларини лашкари жиҳод деб атаётганлар томонидан қирғин қилинди. Қирғиннинг асл сабаби эса Нигериядаги энг сердаромад нефтни қазиб чиқариш объектиларига, Индонезияда сайёҳлик марказларига бемалол эгалик қилишдан иборат, деб ҳисобламоқдалар мутахассислар.

Терроризм балоси минтақамизни, жумладан жонажон Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмади. Собиқ шўролар иттифоқи раҳбариятининг чуқур ўйламай, мустақил Афғонистонга интервенция қилиши натижасида ушбу жафокеш юрт йирик мамлакатлар ҳамда сиёсий қучларнинг манфаатлари ва мафқуралари полигонига айланиб қолган. Жаҳolat ва мутаассибликка асосланган толблар ҳокимияти эса мамлакатни ҳар томонлама хонавайрон қилди. Бутун бир давлат қоразори етиштириш ва уни сотиб, пуллага асосан қурол-ярроғ сотиб олиш билан шуғуллана бошлади. Энг даҳшатлиси, Афғонистон ҳудуди равиқал ва жангари исломчиларни тайёрловчи халқаро марказга айланиб улгурди.

Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон масаласига жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиш, ушбу муаммони тезда ва самарали ҳал қилиш бўйича йирик халқаро минбарлардан қилган ташвишли мурожаатлари 2001 йил сентябрь фожеаларидан кейингина акс садо бергани ёлимизда. Мазкур мурожаатлар ва тақлифларга муносиб равишда, ўз вақтида самарали воситалар ишга солинганда эли, эҳтимол халқаро терроризм бу дарихада илди отиб кетмаган бўларди.

Мамлакатимиз ва ундан ташқарида амалга оширилаётган террористик хатти-ҳаракатларнинг, албатта ҳар бир мамлакат ёки минтақа шарт-шароитига мос равишда ўзига хос томонлари ва сабаблари бор. Айни пайтда, изланишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, ислом динини тозалаш, халифаликни жо-

рий қилиш, ислом давлати қуриш, диний давлат қилиш каби широрлар ортида маълум гуруҳлар ёки шахсларнинг сиёсий ҳамда молдй манфаатлари ётади.

Ривожланган демократия мамлакатлари — Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШда амалдаги қонунчиликнинг ўта либерал имкониятларидан мутаассиб қучлар бемалол радикал исломизм юзларини тарғиб қилиш ва тарафдорлари сонини кўпайтиришда самарали фойдаланмоқдалар. «Кўлларига қурол олмагунларича жиноятчи ҳисобланмайдилар» деган тамойил аллақачон ушбу мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятига қимматта

Аслидачи? Аслида ислом сўзи салом, яъни тинчлик сўзи негизидан олинган. Динимиз ҳар бир мусулмон иккинчи бир мусулмонни кўрганда Ассалому алайкум, яъни Сизга тинчлик тилайман дейишни ва унга жавобан Ваалайкум ассалом, яъни Сизга ҳам тинчлик тилайман деб жавоб қайтаришни буюрди. Динимиз беш устун, беш фарзга таянади. Биринчи фарз, Пайгамбар алайҳиссалом бузургларидек Аллоҳга, У юборган пайгамбарларга, Унинг фаришталарига, У нозил қилган китобларга иймон келтиришдир, яъни барча самовий динлар Аллоҳники эканини тан олиб, диний бағрикенгликка амал қилиш Парвардигорнинг буйруғидир. Динимиз динда мажбурлаш йўқ, яъни давлатни тинч йўл билан олиб бориш керак, дейди. Динимиз ота-онага, фарзандларга, қариндошларга, қўни-қўниларга, етимларга, мусофирларга ва муҳтожларга мурувват қилишга буюрди. Ҳамонки, Қодир Эгамиз ҳаммамизни бир Ота ва бир Онандан яратган экан, ўзаро хурмат ва оқибатда бўлишимиз ҳам Унинг

буйруғидир. Қуръони Каримнинг нозил бўлиши Аллоҳнинг «Икра», яъни «Ўқи» деган буйруғи билан бошланган ва илм олиш ҳар бир мусулмон учун фарз қилинган.

Ер юзида бузғунчилик қилиш, фисқ-фасод ишлар билан шуғулланиш, қон тўкиш, ўз жонига қасд қилиш, қибри бўлиш, ўғирлик қилиш, ёлгон ҳуқуқий бериш каби хатти-ҳаракатларни эса муқаддас ислом диними гуноҳи қабиралар қаторига киритади ва Аллоҳнинг ҳузурда бундай жиноятлар учун улкан азоблар бериладиган огоҳлантиради.

Муборак юртимиз, она-Ватанимиз ислом маданияти ўчоқларидан бири бўлиб келган Аллома ақлолларимиз, моҳир ҳунармандларимиз ҳамда меҳнаткаш халқимиз тарихда Ислам ренессанси номи билан машҳур маънавият ва маданият босқичида ўлмас ва ўчмас из қолдирганлар. Муқтақил Ўзбекистонда ана шу буюк анъаналар тикланаётганига бутун жаҳон гувоҳ бўлиб турибди. Бир ҳовуч алашганлар ва жоҳиллар тарих қарвонининг илгари томон, юксак маънавият, хотиржам руҳоният ва фаровонлик томон ҳаракатланишини тўхтатиб қолмайдилар. Аллоҳ ва халқимизнинг иродаси бунга йўл қўймайди.

Шоҳамин МИНОВАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитга раиси.

Минглик — энг қизғин исбат

**ОФАТНИНГ ИЛДИЗИ —
ЖОҲИЛЛИКДА**

Бутун инсониятни ташвишга кўйган, тинч меҳнат кучида яшаётган фуқаролар осудалигига таҳдид солишга уринаётган терроризм балосига қарши яқдил бўлиб курашиш, содир этилиши мумкин бўлган бало-қазоларнинг олдини олиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардандир. Иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида ҳам Юртбошимиз бу борада қуюниб: «Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартафоз этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур», — дея таъкидлаб ўтдилар.

тушди. АҚШ ва Испаниядаги фожеалар буни яққол тасдиқлаб турибди. Бинобарин, қўлга қурол олишга тўғридан-тўғри далавқдан кўра, ўзга дин ва масъалаларга тоқатсизлик руҳидаги «тарбия», соғлом ақлга умуман тўғри келмайдиган «халифалик» тарғиб қилидиган мафқуравий тайёрларлик хавфлироқдир.

Жаҳоннинг турли ерларида, жумладан Ўзбекистон ва минтақада диний мутаассибчи ташкилотлар ва гуруҳлар ўз қирдиқорлари ижрочиларини асосан диний ва дунёвий жиҳаддан саводселар орасидан ёллайдилар. Негаки, ислом дини аслида тинчлик ва эзгулик дини бўлиб, қон тўкишни таққийлайди. «Сенга динини ўргатамиз» деган баҳонада, «жонқуяр устозлар» Қуръони Каримдаги қон тўкиш гуноҳ эканини, фитнанинг қотилликка тенглаштирилиши, беғуноҳ инсоннинг ўлими жамикки одамларнинг ўлими билан баробар бўлиши, ер юзида бузғунчилик қилиб юргувчилар, беғуноҳларнинг қонини тўкувчилар, талон-тарож билан шуғулланувчилар Аллоҳ ҳузурда шафқатсиз жазо олажаклари каби оғти каллималар борасида лом-лим демайдилару, аниқ тарихий макон ва замон учунгина нозил қилинган ва ҳукми беқор бўлган оятларининг дастуруламал қилиб оладилар ёхуд у ёки бу оят ва ҳадисларни ўзларининг фитна мақсапларига мувофиқ равишда ўзгартиридилар.

Шифокорлик — шарафли касб. Аммо унинг маъсулияти, юки оғир. Шифокорга катта тажриба, кучли билим билан бирга фидойилик ҳам зарур бўлади. Ширин муомала эса шифокорнинг асосий муолажа воситасидир. Бугунги кунда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини шифохонаси ички касалликлар кафедраси ревматология бўлимида ана шундай малакали, ўз соҳасининг билимдонига айланган шифокорлар талайгина. Бу эса даволанувчилар дардида шифо топишда қўл келаетир.

**ШИФОКОР —
ФИДОЙИЛИК ДЕГАНИ**



Мазкур бўлим барча за- ҳам бериш асосий вазифа- рур тиббий анжомлар би- миз, — дейди ушбу бўлим- лан таъминланган. Унда мудири, шифокор Гулнара

Умарова. — Айни дам- да бу ерда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Таъмир- дан чиқарилган хона- лар замонавий, шинам, озода ва унда барча шарт-шароит яратилляти. Эътиборли жиҳати шундаки, бизда тажри- бали ревматологлар — тиббиёт фанлари док- тори, профессор Тўхтасин Солиев, тиб- биёт фанлари номзо- лари Шухрат Далажо- нов, Нила Дадабоева, Севара Валиева каби шифокорлар меҳнат қилмоқда. Бу эса таж- рибали алмашишда, из- ланишда муҳим аҳами- ят касб этади.

СУРАТЛАРДА: тиб- биёт фанлари номзо- ди, доцент Нила Дадабоева шо- гирдларига бемор ҳолати тўғрисида гапирмоқда; Тош- кент Давлат тиббиёт инсти- тутини шифохонаси ички ка-



салликлар кафедраси рев- матология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Гулнара Умарова. Сарвар Ўрмонов (ўЗА) олган суратлар.

СИРКАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Овқатларга зиравор сифатида сепиб истеъмол этиладиган бу суюқликни тайёрлаш куйидагича. Богда чумчук чўкиган, арчилган, эзилган ва умуман истеъмолга яроқсиз узумларни сирли хумчага шингил-шингил билан солиб борилади ва усти дока билан ёпиб, кўланка жойга бир мавсум тиндириб қўйилади. Идишга пича ачиқти, яъни эски сиркадан қуйиб қўйилади. Узум ачиб-бижгиб «қайнай бошлайди». Кузга бориб уни эзиб шарбати 3-4 марта сузилади-да, тоза идишларга қуйиб, оғзи маҳкам беркитилади. Бу қизил сирка бўлади.

Оқ сирка қуйидагича тайёрланади: ёғоч бочкага бун даррахтининг қириндилари солиниб устидан таркибида сирка ачитувчи бактерияларга бой бўлган сирка суюқлиги қуйилади. Микроорганизмлар бочканинг ҳаво тегиб турадиган устки қисмида «фаолият кўрсатадилар». Бочканинг остида эса махсус тешикча бўлиб, тайёр сирка шундай томиб-томиб туради. Бу 6-9 фоизли оқ сирка бўлади. 80 фоизли сирка эссенциясини эса ҳар хил ёғочлар қипигидан ҳаво кирмайдиган идишга солиб қиздириб ва бошқа кимёвий усуллар қўллаб тайёрланади.

Қизил узум сиркаси пазандаликда палов, манти ва бошқа овқатларнинг юзига севалаб ейиш, каабоб гўштини сиркалаш учун ҳамда баҳазм овқатларни тез ҳазм бўлиши учун қўлланади. Оқ сирка эса консерва саноатида сабзавотларни саралаш, селёдка балиқ тайёрлаш ишларида қўлланилади.

Сиркани кўп истеъмол қилиш саломатликка зарар. Шу сабабли нордонлик даражаси 5,5 фоиздан ортиқ бўлган сирка санитария қоидалари бўйича ман қилинади.

Қизил узум сиркасининг зарари йўқ, аксинча Ибн Сино таъбири билан айтганда «...сиркани қон кетишига қарши ичилади, шунда у қонни тўхтади, қаерда бўлмасин пайдо бўлган шишни қайтаради, ҳазм қилишга ёрдам беради ва балғамга қаршилик кўрсатади. Сирка сафроли кишилар учун фойдали ва савдоли кишилар учун зарарлидир».

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кўпгина дастурлар ишлаб чиқилган. Улар доирасида амалга оширилаётган тадбирлар асосан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва натижалари ҳақида, аҳолининг маънавиятини юксалтириш, саводхонлик маданиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Шарқ-матбаа»

Мақбурлар

ОИЛАДА АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСИН

Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалла гузаридида иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг 14-сессияси материаллари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижроси натижалари ва «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси махсулотлари кўргазмаси, нашриётда чоп этилаётган китоблар тақдими тўғрисида бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда уюштирилган юқоридаги тадбирда тиббиёт ходимлари, шоир, ёзувчи ва санъаткорлар иштирок этди.

— Маҳаллада, жамоатчилик орасида бу тадбирнинг уюштирилгани қувонарли ҳолдир, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бўлим мудири Эркин Маликов. — Негаки,

ҳукуматимиз қарорларининг туб моҳияти аҳоли онгига сингдирилса, ижро онгли равишда амалга оширилади.

Оилада авваломбор аёл соғлом бўлиши керак, чунки бола тарбияси билан асосан аёлларимиз кўпроқ шугулланишади. Шундай экан, аёл жисмонан ва маънан соғлом бўлсагина ўз оиласида соғлом муҳитни яратиб олади.

Кейинги вақтда нашриётимиз томонидан айниқса аёлларимиз учун керакли кўплаб китоблар нашр қилинмоқда. Уйлаймизки, бу ўқув қўлланмаларимиз ўз ўқувчиларини топмоқда ва уларни қизиқтирган, ўйлантирган саволларига жавоб бўлмоқда.

Тадбирда аҳолига тиббий кўриқлардан ўтишининг афзаллиги, бу тугилажак фарзандларимизнинг соғломлиги гарови эканлиги соҳа мутахассислари томонидан тушунтирилди. Бундан ташқари аҳолининг маънавиятини юксалтириш, саводхонлик маданиятини ошириш мақсадида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилаётган газета ва китоблар кўргазмаси ташкил қилиниб, китоб муаллифлари дастхати билан улар хайрия сифатида тарқатилди.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2004-2005 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, 2004 йил 28 июндан 4 августгача Тошкент шаҳрида иссиқликдан фойдаланувчи истеъмолчиларни иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамликка ва зичликка (юқори босимда) синовлари ўтказилади:

28 июнь куни

2-ИМ - Ҳумоюн, Қорасув-1,2,3,4,6, Буз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони, Қодиров, Т. Малик, А. Матқобулов, Ш. Бурхонов, акад. Ҳ.Абдуллаев, Иркутск кўчалари ҳудуди

29 июнь куни

8-ИМ - Сергели 1-8А, Спутник 8,15,16,17, Дўстлик -1,2 турар жой мавзелари ҳудуди

2 июль куни

7-ИМ - «Авиақурувчилар» шаҳарчаси, Гузал-1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчалари.

7 июль куни

ИЭМ - Бобур, Глинка, А.Темур, Афросиёб, А.Тўқай, Нукус кўчалари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Шаҳрисабз, Я. Ғуломов, Лоҳутий, Т. Шевченко кўчалари.

8 июль куни

5-ИМ - Чилонзор мавзесидаги бдан 12гача, Ц, Г9А, 16дан 20гача, 20А, 26-даҳалари, Оқтепа, Қизил Шарқ, Дўмбиробод, Гулистон турар жой мавзелари, Роҳат, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза, Қозиробод, Фарҳод, Чўпонота, Муқимий, Я.Купала, Заргарлик кўчалари.

9 июль куни

«Водник» қозонхонаси «Сувчи» турар жой мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси

12 июль куни

9-ИМ - Чилонзор мавзесидаги 13дан 15гача, 21дан 24гача ва 30,31 даҳалар, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Х.Турсунқулов, Раҳимбойев, Ширин (Подмосковная), Лутфий кўчалари.

13 июль куни

2-ИМ - Ҳумоюн, Қорасув-1,2,3,4,6, Буз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони, Қодиров, Т.Малик, А.Матқобулов, Ш.Бурхонов, акад.

Ҳ.Абдуллаев, Иркутск кўчалари ҳудуди

8-ИМ - Сергели 1-8А, Спутник 8,15,16,17, Дўстлик -1,2 турар жой мавзелари ҳудуди

16 июль куни

ИЭМ - Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц-7, Ш.Рашидов шох кўчаси, Чилонзор мавзесининг 1,2,3,4,5,Е,И-даҳалари.

19 июль куни

ИЭМ - Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Темур, А.Тўқай, Нукус кўчалари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Лоҳутий, Т. Шевченко, Шаҳрисабз, Я. Ғуломов, Локомотив, Х. Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Авиашаҳарча турар жой мавзелари.

20 июль куни

4-ИМ - Ҳасанов, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Хидоятлов кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш-1/1,1/2,1/3,1/4 турар жой мавзелари.

21 июль куни

1-ИМ - Буюк Ипак йўли, акад. Ҳ.Абдуллаев, Рахматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф.Хўжаев, Муҳитдинов кўчалари, Тошқиншоқмаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари.

6-ИМ - Қўйлик - 1-7 турар жой мавзелари, Қўйлик - айланма Ҳалқа йўли, Мунис, Янгизамон, Х.Олимбеков, Бехтеров, А.Фитрат кўчалари

22 июль куни

ТТЗ қозонхонаси-ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Буюк Ипак йўли, Белоножко, Гулсанам, Аҳиллик кўчалари.

23 июль куни

7-ИМ - «Авиақурувчилар» шаҳарчаси, Гузал-1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчалари.

26 июль куни

3-ИМ - Чорсу, Беруний, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1,Б-2,Б-3,Ц-10,11,14, Ц-26,27,28 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай шохкўчалари, Ўзбекистон, Беруний, Ниёзов, ген.Узоқов, А.Хўжаев, Фурқат, Самарқанд дарвоза кўчалари.

4-ИМ - Юнусобод турар жой мавзесининг 1-19 даҳалари, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибқор кўчалари

29 июль куни

4-ИМ - А.Темур, Ҳ.Асомов, Эргашев, Ғ.Мавлонов, Муртазов, Хуршид, Ж. Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари, Ц-5,6, Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, Ҳ.Олимжон майдоли.

10-ИМ - Шифокорлар шаҳарчаси, Олимпия, Жарариқ, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1,2,3, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, ТошДУ-ТошДУТУ, Чимбой, Белтепа, Ибн Сино-1,2 турар жой мавзелари, Мирзо Ғолиб, Мухбир, Чимбой, Фаробий, Беруний кўчалари.

3 август куни

1-ИМ - акад. Ҳ.Абдуллаев, Ж.Обидова, Рахматуллин, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Буз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўргони.

4 август куни

1-ИМ - Буюк Ипак йўли, акад. Ҳ.Абдуллаев, Рахматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф.Хўжаев, Муҳитдинов кўчалари, Тошқиншоқмаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари.

Қувурларда носозлик бўлиши ва ёрилган жойларда сувлар тошиши эҳтимоли мавжуд, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Нооатли ҳолатларни сезишингиз билан 133-32-32 телефонига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 12-тур беллашувлари шахримиз жамоалари учун муваффақиятли яқунланди.

Чемпионат пешқадами «Пахтакор» ўз майдонида Бекободнинг «Металлург» жамоасини 3:1 ҳисобида енгиб муҳлисларини ўн биринчи ғалабаси билан қувонтирди. Дарвозаларга голларни «Пахтакор»дан Солиев (2 та), Жепаров, «Металлург»дан Ҳошимовлар киритишди.

Андижонда «Андижон» жамоаси меҳмони бўлган пойтахтнинг янги вакили «Локомотив» тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этиб ажойиб ғалабага эришди. Ўйин 5:1 ҳисобида яқунланди. Тошкентликлардан Акбаров, Усмонов, Хўжаев, Идиатуллин (2 та), Холбоев, андижонликлардан Юнусовлар томонидан киритилган голлар муҳлисларга ҳаяжонли дақиқаларни туҳфа этди.

Самарқандда «Самарқанд-Динамо» меҳмони бўлган «Трактор» ҳам мурасасиз, шиддатли кечган ўйинда рақиби устидан зафар қучди. Чиройли комбинациялар остида, кизикарли ўтган баҳс 4:3 ҳисобида тошкентлик футболчиларнинг муҳим ғалабаси билан яқунланди. Шу кунги муҳлислар тракторчилар Мўминжонов (2 та), Соломин, Ўрмонов, майдон эгаларидан Абдурахмонов ва Пўлатов (2 та)лар киритган тўпларни томоша қилишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Кизилқум»—«Насаф» — 0:2, «Сўғдиёна»—«Бухоро» — 3:2, «Нефтчи»—«Сурхон» — 2:0.

Навбатдаги 13-тур учрашувлари 25, 26 июнда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Хусусан, Латвия ва Германия жамоаларининг учрашуви дуранг натижа билан тугайди, дея ҳеч ким олдиндан башорат қилмаган бўлса керак. Қизиги шундаки, ушбу ўйинда латвиялик футболчилар кўпроқ ва хавфлироқ ҳужумлар уюштиришди. Хусусан, 38-дақиқада Болтиқбўйи мамлакатининг жамоасининг етакчиси Морис Верпаковскис учта ўйинини ортда қолдирган ҳолда дарвозани забт этишига оз қолди. Андрей Прохоренко ҳам германияликлар дарвозасига тез-тез хавф солиб турди. Фақат немислар дарвозабони ва жамоа сардори ўта совуққон Оливер Каннинг улкан маҳоратигина дарвозанинг дахлсизлигини таъминлади. Ўз навбатида немисларнинг хавфли ҳужумлари ҳам кўп дақиқаларда латвиялик футболчиларни таҳликага солиб турди. Хусусан, қўшимча вақтда германиялик Мирослав Клозе 3 метр масофадан туриб дарвозани аниқ нишонга ола билмади. Бироқ, Латвия термасини ҳам шу кунги иқтидорли дарвозабон Александр Коляничко кўриқлаётган эди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ўйин Кан ва Коляничколар бетимсол маҳоратларининг намойишига айланди. 0:0 ҳисобидаги шов-шувли натижани Латвия футболининг байрами сифатида баҳолаш мумкин.

Голландияни қатъият билан чемпионатда тўп сураётган энг кучли тартибга эга икки жамоадан бири сифатида тавсифласак, хато қилмаймиз.

Чехия термаси билан кечган ўйинда қутилмаганда жуда тез —

4-дақиқадаёқ Голландия термаси вакили Вилфред Баума жарима тўлидан унумли фойдаланиб, боши билан чиройли зарба бергани ҳолда ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Ион Хейтинганинг майдондан чиқариб юборилиши ҳам сабаб бўлди. Хусусан, 71-дақиқада Милан Барош Ян Колер узатган тўпни қайтариб бўлмас зарба билан юқори бурчакка йўллаб ҳисобни тенглаш-

тирди. 84-дақиқада эса чехиялик Павел Недведнинг жуда кучли зарбаси дарвоза устунини титратиб юборди.

88-дақиқада Поборски узатган тўпни Владимир Шмицер бўш дарвозага йўллаб, чехларнинг ғалабасини таъминлади.

Шундай қилиб, ҳар иккала ўйинда ҳам 1:0 ва 2:0 ҳисобида ютқазиб туриб ғалабага эришган, кучли рухий тайёргарликка эга Чехия термаси гуруҳларда биринчи бўлиб юз фоизлик натижа билан чорак финалга йўлланма олди.

«А» гуруҳидаги Испания-Португалия учрашуви 56-дақиқада Нуну Гомеш киритган ягона тўп орқали майдон эгаларининг муҳим ғалабаси билан яқунланди. Шу тарихда учта ўйинда олти очко жамғарган Португалия термаси ҳам чорак финалда қатнашадиган бўлди.

Россия термаси Владимир Кириченко ва Дмитрий Булкиннинг аниқ зарбаларидан сўнг Греция футболчиларининг 2:1 ҳисобида енгди. Бироқ греклар ютказган бўлсаларда тўплар нисбатига кўра испанлардан ўзиб кетиши ва учинчи бўлиб чорак финалга йўлланма олишди.

Қолган гуруҳлардан ҳам ғолиб жамоалар аниқланганидан сўнг, 24 июндан чорак финал учрашувлари бошланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Европа чемпионати

УЧТА ЖАМОА — ЧОРАК ФИНАЛДА

19 июнь китъа чемпионатида энг кескин ва мурасасиз учрашувлар ўтказилган кун сифатида тарих саҳифаларига муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ. Зеро Латвия-Германия ҳамда Голландия-Чехия терма жамоаларининг беллашувларини курраи заминдаги миллион-миллион муҳлислар зўр қизиқиш ва чуқур ҳаяжон билан томоша қилишди.

Шунга қарамасдан чехлар ҳам тез-тез кескин ҳужумлар уюштириб туришди. Марек Хайнц, Владимир Шмицер, Милан Барош, Павел Недвед, Карел Поборскиларнинг юксак техникаси кўп вазиятларда голландларни мушкул ҳолатларга солиб қўйди. Бироқ 19-дақиқада голландларнинг энг хавфли ҳужумчиси Руд ван Нистелрой қийин вазиятдан туриб ҳисобни оширди — 2:0.

Ана шунда ҳам чехияликлар ҳеч ҳам саросимага тушмай ғалаба калитини фақат рақиблик дарвозасидан излашди. 23-дақиқа ўйинда бурилиш ясалди — Ян Колер (Чехия) ҳисобни қисқартирди. Ушбу дақиқадан бошлаб ўйин бир-бирига тенг ва жуда муносиб икки жамоанинг очиқ ва ҳужумкор баҳсига айланди. Улар бири-бирини чиройли ва хавфли ҳужумлар уюштира-да, голлар фақат голландлар дарвозасига киритилди. Бунга маълум жиҳатдан 53-дақиқада

ФАРРУХ — «ФЬЮЧЕРС» ГОЛИБИ

Эндигина 18 ёшга қадам қўйган ҳамюртимиз Фаррух Дўстов Италиянинг Сан-Флориано шаҳрида уюштирилган теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнирида бош совринни қўлга киритди. АҚШ, Италия, Колумбия, Франция, Испания, Бразилия, Аргентина каби дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатлари катта ракетка усталари иштирок этган мазкур мусобақада ўзбек ўғлонининг зафар қучанлиги кишида фахр-ифтихор ҳисларини уйғотади.

Мукофот жамғармаси 10.000 АҚШ долларини ташкил қилувчи бу турнирда олтинмиш тўрт қатнашчи қаторида дунё профессионал теннисчилари таснифида кучли уч юзликдан жой олиб турган саккиз нафар спортчи кортга чиқди. Дастлабки даврада италиялик Марко ди Вислони енгиб, кейинги босқичда турнирнинг саккизинчи ракеткаси Диего Хип-

пердингер (Испанияга) ҳамюртимиз рўбарў келди ва 7/6 (5), 3/6, 6/3 ҳисобидаги ғалабага эришди. Чорак ва ярим финалда ҳам мезбонлар вакили ҳамюртимиздан енгилди. Хал қилувчи учрашувда мусобақанинг тўртинчи ракеткаси ўзидан 8 ёш катта франциялик Слиман Саоуди билан кортга чиқишига тўғри келди. Ҳозирда рейтинг бўйича кучли уч юзликдан ўрин олиб турган Саоудига Фаррух биринчи сетда 3/6 ҳисобида ютқазиб, кейинги икки сетни ўз фойдасига ҳал қилди — 6/3, 6/1. Бу ғалаба Фаррухнинг дунё таснифидаги ўрнини яхшилаб олишига ёрдам қилади. Жумладан, Фаррух Дўстов ҳозирда 457-поғонага кўтарилиб, шу ойда Италиянинг Верона шаҳрида бошланадиган навбатдаги «Фьючерс» халқаро турнирида қатнашиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Шоҳида ҲАЙДАРОВА

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, ишқирон, рақибга ўта ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тизиб ва кўмагинизгина керак. Ҳайрат ва тақдирини бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб борувчи энг қисқа йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақдирларини қилади.

Кўшимча маълумотларни 137-72-20, 137-72-21

Телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Еки ушбу вебсайтлардан ақция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Ақцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4127 нусхада босилади. Контрактининг А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.